

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ, ЧОРВАЧИЛИК
ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Qx/V.12.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НАСИРИЛЛАЕВ БАХТИЯР УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

***BOMBUX MORI L.* ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА
ПИЛЛАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАНЛАШНИНГ ГЕНЕТИКА-
СЕЛЕКЦИЯ АСОСЛАРИ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Насириллаев Бахтияр Убайдуллаевич

Bombyx mori L. тут ипак қуртининг маҳсулдорлиги ва пиллаларининг
технологик хусусиятларини оширишга йўналтирилган танлашнинг
генетика-селекция асослари 3

Насириллаев Бахтияр Убайдуллаевич

Генетико-селекционные основы отбора, направленного на
повышение признаков продуктивности и технологических свойств
коконов тутового шелкопряда *Bombyx mori L.* 25

Nasirillaev Bakhtiyar Ubaydullaevich

The genetic and selection basics of assorting directed in
increasing the productivity and technological properties of silkworm
cocoon *Bombyx mori L.* 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ, ЧОРВАЧИЛИК
ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Qx/V.12.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НАСИРИЛЛАЕВ БАХТИЯР УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

***BOMBUX MORI L.* ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА
ПИЛЛАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАНЛАШНИНГ ГЕНЕТИКА-
СЕЛЕКЦИЯ АСОСЛАРИ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2DSc./Qx47 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик (DSc) диссертацияси Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samqxi.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Умаров Шавкат Рамазанович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Якубов Аҳматжон Бакиевич
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Юсупов Суратбек Юнусович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Соатов Ўткир Ражабович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.V.12.02. рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг «___» ___ 2018 йил, соат “___” даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Тел: +99866 234-07-86 e-mail: sai_info2@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Тел.: +99866 234-07-86 sai_info2@edu.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Б.Давлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
вет.ф.д., профессор

А.С.Даминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, вет.ф.д., доцент

М.И.Аширов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.-х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларида ипак етиштириш билан шуғулланилиб, йилига 22-24 млн кути ипак куртининг саноат дурагай уруғлари тайёрланмоқда ва етиштирилаётган пилла хом ашёсининг 80,9 фоизи ХХР, 16,5 фоизи Хиндистон, 1,2 фоизи Ўзбекистон ва 1,4 фоизи бошқа давлатларга тўғри келади¹. Жаҳон бўйича бир кути куртдан олинadиган пилла ҳосили ХХР да 85,0 кг, Хиндистонда 80,0 кг ва Ўзбекистонда 56,9 кг ни ташкил этади. Ипак толасининг текислиги ва пиллаларнинг калибри бўйича бир хиллик даражаси ХХР, Хиндистон, Вьетнам ва Бразилияда 90-95% бўлса, Ўзбекистонда ўртача 50% га тенг.

Дунё миқёсида юқори метрик номерга (ингичка) эга ипак толаси берадиган пилла маҳсулотига бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи ХХР, Хиндистон, Италия, Франция ва Япония каби давлатларнинг пиллани қайта ишлаш корхоналарининг асосий талаби А, 4А, 5А типдаги ипак калаваларга қаратилган. Ингичка ипак толасидан нафис ипак матолари, хирургик иплар ва электроника, авиация денгиз флотидида фойдаланиладиган ўта пишиқ табиий ипакдан тайёрланадиган товарлар ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Селекция ва наслчилик ишининг илғор янги самарали услубиятларини ишлаб чиқиш орқали пилладан хом ипак чиқиши, толанинг умумий узунлиги, толанинг метрик номери (ингичкалиги), мустаҳкамлиги ва шу билан бирга турли иқлим шароитларга мос, пилла ҳосилдорлиги юқори зот ва дурагайларини яратиш муҳим долзарб илмий-амалий муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тут ипак куртининг янги йирик пиллани зот ва дурагайларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали бир кути куртдан олинadиган пилла ҳосилдорлигини 57,0 кг га етказилди, 2016 йилга келиб, 26000 тоннадан зиёд тирик пилла етиштиришга эришилди. Шу билан биргаликда, тут ипак курти зот ва дурагайларининг пилла хом ашёси ва ипак толасининг технологик кўрсаткичларини ошириш ва такомиллаштириш борасида тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга, айниқса юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида урғу берилганки, бу борада тут ипак куртининг маҳсулдорлик ва технологик белгилари бўйича мутациялар, транслокациялар олиш, ҳамда самарали танлаш усулларини ишлаб чиқиш асосида янги сермаҳсул ипак толасининг технологик кўрсаткичлари енгил саноат корхоналари талабларига тўлиқ жавоб берадиган зот ва дурагайларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ www.inserco.org/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекистансаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 616-сон қарорларида ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Тут ипак қуртининг технологик ва ипак маҳсулдорлик белгилари бўйича селекция усуллари ишлаб чиқиш ва янги зот, дурагайлар яратиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан, *Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan*² (Kyushu, Japan), Gen research institute of Chine (Chine), Central Sericultural Research and Training Institute³ (CSRTI Mysuru, India), Sericulture and agriculture experiment station (Vratsa, Bulgaria), Agrocultural University of Plovdiv (Plovdiv, Bulgaria), Scientific-Reserch center of Georgian Agriculture (Tbilisi, Georgia), Federal State Budget Scientific Institution Research Station of Sericulture (Stavropol, Russian), Sheki Regional Scientific Center of Azerbaijan (Sheki, Azerbaijan) ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Тут ипак қурти генетикаси ва селекцияси ҳамда юқори технологик кўрсаткичларга эга зот ва дурагайларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижалар олинган: майда пиллалар зотлар иштирокида ингичка толлалар “Kinshu x Shova” саноатбоп дурагайи яратилган (*Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan*²); тирик ғумбакли пиллаларни чувиш асосида “Jing”, “Song”, “Hao” ва “Yue” зотлари яратилган (Gen research institute of Chine); бивольтин зотлар иштирокида FC1 x FC2 и S8 x CSR16 саноат дурагайлари яратилган (Central Sericultural Research and Training Institute³); зотларнинг сунъий озуқа муҳитида гетерозисни намоён этиш хусусияти тадқиқ этилган (Agrocultural University of Plovdiv); ядро полиэдрози касаллигига қарши иммунитетни ошириш усули ишлаб чиқилган (Scientific-Reserch Center of Georgian Agriculture); тут ва дуб ипак қуртининг адаптацион хусусиятларини ва селекцион материални баҳолаш

² Banno Y., Shimada T., Kajiura Z., Sedutsu H. *Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan*. //Experimental Animals, 2010. - № 59(2). - P. 139-146.

³ Sivaprasad V. Integrated approaches for sustainable bivoltine silk production in south India. //The international scientific-technical conference. Margilan, 2017. P.90-96.

усули ишлаб чиқилган (Federal State Budget Scientific Institution Research Station of Sericulture); ипак безида оксил биосинтезини ошириш усули ишлаб чиқилган (Sheki Regional Scientific Center of Azerbaijan); йирик пиллали Ўзбекистон 5 ва Ўзбекистон 6 дурагайлари яратилган (Scientific-research institute of sericulture, Uzbekistan).

Бугунги кунда дунёда тут ипак қурти генетикаси ва амалий селекцияси бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ипак қурти геномикасини чуқур ўрганиш; юқори маҳсулдорлик, технологик кўрсаткичларга эга зот ва дурагайлар яратиш; ташқи муҳит ва қурт боқишнинг ноқулай шароитларига мосланувчанлик хусусиятлари асосида селекция олиб бориш; бивольтин ва моновольтин зотлараро дурагай комбинациялари яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг турли иқлим шароитларига мос тут ипак қуртининг оддий ва мураккаб дурагайлари яратиш, жинсни нишонлаш, ривожланишнинг турли босқичларида танлаш, селекцион материални ҳаётчанлигини ва маҳсулдорлигини ошириш ҳамда личинкаларнинг хулқ генетикасига асосланган селекция ва наслчилик услубиятларини ишлаб чиқиш бўйича В.А.Струнников, Л.М.Гуламова, А.М.Сафонова, У.Н.Насириллаев, С.С.Леженко, А.Б.Якубов, Е.А.Ларькина, Р.Қ.Қурбоновлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар ўтказилган.

Шунингдек, дунё миқёсида тут ипак қуртининг фиброин биосинтези юқори бўлган зотларини яратиш, толанинг текислиги бўйича танлаш, сунъий озуқага бўлган жавоб реакцияларини ўрганиш ва турли морфологик белгиларни бошқарувчи генларни идентификация қилиш ҳамда жинсни сунъий бошқариш бўйича бир қатор хорижий муаллифлар Л.М.Акименко, Браславский М.Е., Стоцкий М.И., Y.Tadzima, Y.Banno, A.P.Arinkumar, M.Isfandiariлар томонидан илмий жиҳатдан асосланган натижалар олинган.

Республикамизда ҳозирги даврда маҳаллий дурагайлардан олинадиган ипак толасининг технологик кўрсаткичлари бўйича айрим муаммолар мавжуд ва улар хориж аналоглари билан рақобатлаша олмаяпти, шунинг учун ҳам ипак толасининг етакчи технологик белгилари бўйича танлашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда янги тизим, дурагайлар яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ишлар режаси ҳамда П-165.1 “Ген инженерлиги услубияти асосида тут ипак қуртининг йирик пиллали юқори ипакчан жинси бошқариладиган зотларини яратиш” (2003-2005 йй.); КХА-10-077 “Пиллалар ипакчанлиги урғочи жинсга нисбатан 18-20% юқори генетик детерминантланган йирик пиллали оригинал фақат эркак жинсли дурагайлар яратиш” (2009-2011 йй.); КХФ-5-010-2012 “Жаҳон ипак бозорида харидоргир бўлган ипак толасининг метрик номери (ингичкалик) кўрсаткичлари юқори пилла берадиган ипак қуртининг қўш жинсли ва жинси бўйича нишонланган ноёб зотлари ва саноат дурагайлари яратиш ва

селекция, наслчилик ишининг методларини ишлаб чиқиш” (2012-2016 йй.); КХА-8-009-2015 “Тут ипак қурти зотларини кўпайтиришнинг суперэлита ва элита босқичларида пилланинг технологик хусусиятлари билан ўзаро яқин коррелятив боғлиқликка эга морфологик белгилар бўйича танлашнинг самарали услубиятини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тут ипак қуртининг етакчи технологик белгилари бўйича танлашнинг комплекс усулларини ишлаб чиқиш ҳамда юқори маҳсулдор оддий ва жинси нишонланган тизимлар ҳамда саноат дурагайларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори технологик кўрсаткичларни детерминацияловчи янги индуцирланган мутациялар олишнинг генетик усулини илмий асослаш;

тирик ғумбакли пиллаларни яқка чувиш усулини ишлаб чиқиш;

пилланинг айрим осонроқ аниқланадиган морфологик белгилари асосида (пилла қобиғи донадорлиги ва компактлиги) пиллаларни технологик кўрсаткичларини тестлаш усулини генетик жиҳатдан асослаш;

пилла қобиғи донадорлиги морфологик белгисини ва унинг технологик белгилар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

пиллалар компактлиги бўйича танлашнинг генетик асосларини тадқиқ этиш;

юқори кўрсаткичларга эга эркак капалакларни кўп марта чатиштириш ҳисобига ингичка ипак хусусиятини наслдан-наслга берилиши ва мустаҳкамлаш услубиятини ишлаб чиқиш;

10-аутосомада жойлашган тухум ранги пигментациясини белгиловчи +w₂ генини урғочи W-хромосомага транслокация қилишнинг янги самарали услубиятини ишлаб чиқиш ва жинси тухум ранги бўйича нишонланган линиялар яратиш;

юқори маҳсулдорлик ва технологик хусусиятларга эга янги селекцион тизимлар олиш;

тут ипак қуртининг юқори технологик кўрсаткичларга эга сермаҳсул янги саноат дурагайларини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида тут ипак қуртининг *Bombyx mori L.* турига мансуб селекцион тизимлари, зотлари ва селекцион оилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, технологик кўрсаткичлар билан яқин коррелятив боғлиқликка эга пилланинг айрим морфологик белгилари, селекцион материалнинг пуштдорлик, ҳаётчанлик, маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичлари, жинсни тухумлик даврида нишонлаш ҳамда янги тизим ва дурагайларнинг хўжалик белгилари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқотларни бажаришда тут ипак қурти учун умумий қабул қилинган агрозоотехникавий, генетик (дурагайлаш, транслокацияларни индуцирлаш), селекцион (аналитик ва синтетик) ва статистик (биометрия, ўзгарувчанлик, ирсийлик, корреляция коэффицентлари ва фарқланишнинг аниқлик даражаси) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пилланинг сифат кўрсаткичларини назорат қилувчи янги мутациялар олишнинг усули генетик жиҳатдан асосланган;

селекциянинг дастлабки босқичи учун ферментларни қўллаш орқали тирик ғумбакли пиллаларни якка чувиш мумкинлиги исботланган;

етакчи технологик белгилар билан яқин коррелятив боғланган, аниқланиши осон бўлган морфологик белгилар – пилланинг дондорлиги ва компактлиги бўйича насли материални танлаш генетик жиҳатдан асосланган;

суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш босқичида ҳам насли пиллаларни морфологик белгилар бўйича танлаш мумкинлиги аниқланган;

юқори технологик кўрсаткичларга эга эркак жинсли капалаклардан кўп марта фойдаланиш услубияти ишлаб чиқилган;

тухум рангини белгиловчи +w₂ генини сақловчи 10-аутосома фрагментини W-хромосомага транслокация қилишнинг янги услубияти илмий асосланган;

ишлаб чиқилган танлаш усуллари асосида пилланинг юқори маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларга эга янги селекцион тизимлари ва ички ва ташқи ипак бозорида рақобатбардош янги саноатбоп дурагай комбинациялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тут ипак қурти технологик белгиларини оширишга йўналтирилган бир нечта усулларни ўз ичига олган “Ипак толаси юқори метрик номерга эга пилла ўрайдиган зот ва дурагайлар селекцияси ва уларни кўпайтиришнинг услубий қоидалари” номли методик қўлланма ишлаб чиқилган;

пилланинг технологик хусусиятларини оширувчи комплекс самарали янги услубиятларни қўллаб юқори технологик ва маҳсулдорлик белгиларга эга ингичка ипакли 8 та селекцион тизимлар яратилган;

илмий-тадқиқотлар натижасида “Олтин водий 2”, “Зарафшон”, “Гулшан х Нафис”, “Нафис х Гулшан” ва “Истикбол” саноат дурагайлари яратилиб, Давлат реестрига киритилган ва Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида районлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳолар берилган. Барча олинган рақамли маълумотлар биометрик ишловдан ўтказилган. Жорий қилиш тадбирлари далолатномалар билан асосланган. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, технологик белгиларни детерминацияловчи янги мутация олиш, +w₂ генини сақловчи 10-аутосома фрагментини W-хромосомага транслокация қилишнинг янги услубияти, морфологик ва технологик белгиларнинг ўзаро коррелятив боғлиқлиги, юксак генотипли эркак жинсли капалаклардан кўп марта фойдаланиш ҳамда

янги ноёб селекцион тизимлар яратиш бўйича олинган маълумотлар тут ипак курти генетикаси, селекцияси назариясининг илмий жиҳатларини янада бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган “Ипак толаси юқори метрик номерга эга пилла ўрайдиган зот ва дурагайлар селекцияси ва уларни кўпайтиришнинг услубий қоидалари” илмий-тадқиқот муассасаларининг селекция жараёнида, ипак курти наслчилик корхоналарининг оилалар питомнигида насли материални танлашнинг самарасини оширишга, шунингдек, янги яратилган ва жорий этилган саноат дурагайлари фермер хўжаликлари шароитида бир қути қуртдан олинган пилла ҳосилини ва юқори сифатли хом ипак чиқишини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак куртининг маҳсулдорлиги ва пиллаларининг технологик хусусиятларини оширишга йўналтирилган танлашнинг генетика-селекция асослари бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

тут ипак куртининг “Олтин водий 2”, “Зарафшон”, “Гулшан х Нафис”, “Нафис х Гулшан” саноат дурагайларига муаллифлик гувоҳномалари олинган (№426, №429, №427, №428) ва республиканинг барча вилоятларида районлаштирилган, (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил №32-сон қарори билан тасдиқланган). Натижада мазкур дурагайлардан стандарт дурагайга нисбатан қўшимча 7-11 кг пилла ҳосили олишга эришилган;

тут ипак куртининг «Олтин водий 1», «Олтин водий 2» дурагайларининг 85 қути уруғлари тайёрланиб, «Фарғона тут ипак курти уруғчилик» масъулияти чекланган жамиятида етиштириш учун жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 30 декабрдаги 02/35-1285-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир қути ҳисобидан пилла ҳосили 7 кг га ошган ва иқтисодий самарадорлик 70200 сўмни ташкил этган;

«Урганч ипак курти тухуми» масъулияти чекланган жамиятида «Олтин водий 1» ва «Олтин водий 2» дурагайларининг 45 қути ипак курти уруғлари тайёрланган ва жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 30 декабрдаги 02/35-1285-сон маълумотномаси). Натижада 1 қути ҳисобидан 11 кг қўшимча пилла етиштирилган ва иқтисодий самарадорлик 110700 сўмни ташкил этган;

янги дурагайлар Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг «Қурама», «Элдор Гулмуродович», «Рузмат тойлоқ», «Истиклол-1» фермер хўжаликларида жами 22,5 қути уруғ ҳажмда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 30 декабрдаги 02/35-1285-сон маълумотномаси). Натижада бир қути қурт ҳисобига пилла ҳосили 7,0-9,5 кг га ошишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 90000-99000 сўмга тенг бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола, жумладан, 23 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 4 та селекция ютуғига муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи боби бешта кичик бўлимлардан иборат бўлиб, *Bombyx mori L.* тут ипак қуртининг генетик характеристикаси ва унинг хўжалик жиҳатдан аҳамияти ва белгиларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида республикамиз ва хориж олимларининг илмий ишлари натижаларининг қисқача тавсифи келтирилган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб селекцион белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги ва миқдор белгиларни яхшилашда ҳамда танлаш стратегиясини белгилашда корреляция ва ирсийлик коэффицентининг роли ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Лекин, шунга қарамасдан, Ўзбекистоннинг маҳаллий зот ва дурагайларида етакчи технологик белгиларни морфологик белгилар билан ўзаро боғлиқлиги ва уларни танлашнинг самарали, қулай усуллари ишлаб чиқиш, ҳамда янги мутациялар олишга бағишланган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот материаллари ва услубиётлари**” бобида тадқиқот жойи, объекти, ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб *Bombyx mori L.* тут ипак қуртининг йирик пиллали Орзу, Юлдуз, Гузал, Марварид ва Z-леталлар бўйича балансланган С 8 нгл зотлари ҳамда жинси нишонланган ва оддий селекцион тизимлари танлаб олинди.

Тажрибаларда 2003-2016 йиллар давомида тут ипак қуртининг оқ пиллали зотларини парваришланишнинг агрозоотехникавий, тирик ғумбакли пиллаларни яқка чувиш, пилла қобиғи донадорлигини, компактлигини аниқлаш, селекциянинг аналитик, синтетик ҳамда янги мутациялар ва транслокациялар олишда гамма нурлари таъсирида индуцирлаш усулларида, шунингдек, генетик тажрибаларда зотлар ва линиялараро дурагайлаш усулларида фойдаланилди.

Диссертациянинг “**Наслли пиллаларни индивидуал технологик хусусиятлари бўйича танлаш усулини такомиллаштириш**” деб номланган учинчи бобида тирик ғумбакли пиллаларни авваллари NaOH ишқорининг 0,05% ли сувдаги эритмасида амалга оширилганлиги таъкидланган. Ушбу усулнинг ўзига хос ноқулайлиги мавжуд, яъни ишқорнинг нисбатан кучли концентрацияси тирик ғумбакка салбий таъсир кўрсатади. Ишқор эритмасида тирик пиллаларни чувиш усули камчиликларга эгалигидан келиб чиқиб, янги чувиш услубиятини ишлаб чиқишдаги изланишларни ушбу жараён учун бошқа зарари камроқ бўлган препаратларни, яъни серицинни тезда эритиб, тирик ғумбакка ва унинг репродукциясига салбий таъсир кўрсатмайдиган ферментларни излаб топишга йўналтирилди.

Тадқиқотларда таркибида пепсин ферментини сақловчи Ацидин-пепсин препарати синаб кўрилди. Тажрибаларда уч хил концентрациядаги фермент эритмалари ўрганилди: I-вариант - 0,07%; II-вариант - 0,05%; III-вариант - 0,03% ва қиёсловчи вариант сифатида 0,04% ли NaOH ишқори эритмасидан фойдаланилди. Олинган натижалар 1-жадвалдан жой олган.

1-жадвал

Линия 33 тизимининг пепсин ферменти эритмасида тирик ғумбакли якка чувилган пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари (2013 й.)

Чувиш вариантлари	Пиллалар сони, дона	Пилла вази, г	Куруқ пилладан, %		Чувалиш, %	Толанинг умумий узунлиги, м	Толанинг метрик номери, м/г
			хом ипак чиқиши	ипак маҳсулотлар чиқиши			
I-вариант. Пепсин 0,07%	49	2,12	18,4	20,7	88,6	1190	2996
II-вариант. Пепсин 0,05%	43	2,23	18,0	21,0	85,8	1163	2955
III-вариант. Пепсин 0,03%	44	2,22	17,8	20,4	82,1	1056	2906
Қиёсловчи NaOH 0,04%	41	2,19	17,0	21,2	84,4	1068	2917

1-жадвалдаги тажриба натижалари шуни кўрсатадики, I-вариантда хом ипак чиқиш 3-вариант ва қиёсловчи вариантларга нисбатан юқори бўлиб (18,4%, $P_d=0,990$), пиллалар чувалиши кўрсаткичи қиёсловчи вариантга нисбатан 4,2%га ($P_d=0,927$) ва 3-вариантга нисбатан 6,5%га юқорилиги аниқланди. Худди шундай устунлик толанинг умумий узунлиги ва толанинг метрик номери бўйича ҳам кузатилди. Бундан ташқари 2-3-вариантдаги

пиллалар чувалиши қийин кечди ва ипак толаси тез-тез узилди. Тирик пиллаларни якка чувиш услубияти насли авлодни танлашга йўналтирилганлиги сабабли синалаётган реагентни капалакларни репродукциясига таъсирини ўрганиш зарур эди.

Репродуктив белгиларнинг таҳлили пепсин ферментининг 0,07% ли эритмаси урғочи капалакларнинг асосий пуштдорлик кўрсаткичларига салбий таъсири йўқлигини кўрсатди ва қиёсловчи NaOH (0,04%) ишқорига нисбатан самаралироқ экани тасдиқланди. Пепсиннинг 0,07% ли вариантнинг қиёсловчи вариантга нисбатан устунлиги (Линия 33 ва Линия 46 тизимларида) ўртача, қўймадаги тухумлар сони бўйича 22 донани, физиологик брак бўйича 2,1%ни ва пилладан капалак чиқиши бўйича 4,5%ни ташкил этди. Ушбу натижалар асосида пепсин ферментидан селекцион пиллаларни чувишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Пилланинг технологик хусусиятларини аниқланиши қулай бўлган морфологик белгилар бўйича тестлаш услубиятини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобида пилла қобиғи донаторлиги ва компактлиги морфологик белгиларининг генетик томондан тадқиқ этиш бўйича натижалар тақдим этилган. Энг аввал 11 та тажриба зот ва тизимларнинг пилла қобиғи донаторлиги аниқланди. Орзу ва Юлдуз зотларида пилла қобиғи донаторлигининг ирсийлик коэффициенти ҳисоблаб чиқилди. Биринчи марта аниқланган реализацияланган ирсийлик коэффициентлари (h^2_R) белгининг намоён бўлишига қараб ушбу генетик параметрнинг ўзгаришини кўрсатди. Юқоридаги хулосаларнинг тасдиғи сифатида Орзу ва Юлдуз зотларининг I-III-градация популяциялари бўйича ҳисоблаб чиқилган ирсийлик коэффициентларини келтириш мумкин ($h^2_R=0,405$ и $h^2_R=0,323$).

Ўзгарувчанлик коэффициентини аниқлаш кейинги тадқиқотлар режасини тузишда катта аҳамиятга эга. Кейинги босқичдаги ишларда ушбу белги бўйича танлаш ишлари режалаштирилаётганидан келиб чиқиб, зот ва тизимлар популяциясида пилла қобиғи донаторлигининг ўзгарувчанлиги ҳисоблаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвалдаги пилла қобиғи донаторлиги, яъни 1 см² пилла қобиғи сатҳидаги бўртиқлар сони кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, тадқиқ этилган зот ва тизимлар популяциясида пилла қобиғи донаторлиги бўйича кенг ўзгарувчанлик мавжудлиги аниқланди (8,5-18,4%). Энг юқори вариация коэффициентларини Линия 47 (18,4%), Линия 65 (18,0%), Марварид (16,3%), Линия 41 (14,0%) зот ва тизимлари намоён этдилар. Қолган 7 та зот ва тизимларнинг ушбу белги бўйича ўзгарувчанлиги 8,5-13,1% га тенг бўлиб, ипак қурти селекцион белгилари ичида нисбатан юқори ўзгарувчанлик ҳисобланади.

Олинган рақамлардан пилла қобиғи донаторлиги ёки пилла қобиғининг 1 см² сатҳидаги бўртиқлар сони бўйича тажриба зот ва тизимлари анчагина юқори вариабелликка эгаллиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Албатта селекцион популяцияларнинг бундай кенг ўзгарувчанликка эгаллиги мазкур белги бўйича танлашда улкан потенциал мавжудлигидан далолат беради.

**Зот ва тизимлар популяциясида пилла қобиғи донаторлигининг
фенотипик ўзгарувчанлик коэффициентлари (C_v)**

Зот ва тизимлар	Пилла қобиғи донаторлигининг вариация коэффициенти (C_v), %		
	урғочи	эркак	ўртача
Йирик донаторли гуруҳ			
Орзу	9,6	17,3	13,5
Юлдуз	13,8	13,7	13,8
Ўрта донаторли гуруҳ			
Линия 47	23,1	13,6	18,4
Линия 1м	15,0	11,1	13,1
Линия 46	10,3	14,6	12,5
Марварид	15,8	16,7	16,3
Гулшан	12,6	13,8	13,2
Линия 65	14,5	21,5	18,0
Линия 41	14,5	13,4	14,0
Майда донаторли гуруҳ			
Линия 60	14,4	10,5	12,5
Линия 2м	8,2	8,7	8,5

Шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари селекцияси ва уларни кўпайтиришда ўзаро боғланган белгилар бўйича танлаш усули кенг қўлланилади. Бу ҳолатда агар биз белгиларнинг ўзаро яқин алоқадорлигини аниқласак, селекция жараёнига у ёки бу технологик белги билан яқин коррелятив боғланган пилла қобиғи донаторлиги бўйича танлаш услубиятини киритишимиз мумкин бўлади.

Шундан келиб чиқиб, илк бор етакчи технологик белгилар ва пилла қобиғи донаторлиги ўртасидаги ўзаро коррелятив алоқадорлик даражаси аниқланди (3-жадвал).

3-жадвалдаги корреляция коэффициенти пилла қобиғи донаторлиги ва куруқ пилла ўртасида тескари салбий боғлиқлик борлигини кўрсатди. Ўрганилган кўпчилик зот ва тизимларда бу белгилар ўртасида манфий корреляция кўрсаткичлари аниқланди ($r_p = -0,516 \dots -0,972$). Хом ипак чиқиши, ипак маҳсулотлари чиқиши, чуватилиш, толанинг умумий узунлиги ва метрик номери каби етакчи технологик белгилар бўйича эса пилла қобиғи донаторлиги ўртасида яққол кўринадиган яқин ижобий коррелятив боғлиқлик аниқланди ($r_p = 0,439-0,687$). Ушбу натижалар пилла қобиғи донаторлиги бўйича насли материални тестлаш услубиятига илмий асос бўлади.

Диссертация иши давомида пилла калибри ва етакчи технологик белгилар ўртасида ўзаро коррелятив боғлиқлик даражаси ўрганилди. Агар пиллалар компактлиги ва уларнинг технологик кўрсаткичлари ўртасида яқин боғлиқлик аниқланса, селекцион тизимларнинг хом ипак чиқиши, толанинг узунлиги ва метрик номерини қисқа даврда ошириш мумкин бўлади.

Белгиларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси ҳисоблаб чиқилган корреляция коэффициентларига асосан аниқланди (4-жадвал).

3-жадвал

Пилла қобиғи донаторлиги ва етакчи технологик белгилар ўртасидаги корреляция коэффициентлари (2012-2013 йй.)

Зот ва тизимлар	Корреляция коэффициенти (r_p). Бўртиқлар сони -					
	куруқ пилла вазни	хом ипак чиқиши	ипак маҳсулотлари чиқиши	чува-лиш	тола-нинг умумий узунлиги	толанинг метрик номери
Йирик донаторли гуруҳ						
Орзу	-0,668	0,706	0,061	0,379	0,950	0,131
Юлдуз	-0,651	0,583	0,176	0,168	0,500	0,527
Ўрта донаторли гуруҳ						
Линия 47	-0,040	0,684	0,637	0,871	0,015	0,394
Линия 1 м	-0,972	0,944	0,554	0,375	0,461	0,330
Линия 46	0,114	0,787	-0,089	0,770	0,518	0,577
Марварид	0,023	0,330	0,044	0,915	0,519	0,359
Гулшан	-0,794	0,686	0,789	0,440	-0,495	-0,529
Линия 65	-0,243	0,912	0,913	0,069	0,843	0,744
Линия 41	-0,516	0,328	0,902	0,105	0,675	0,799
Майда донаторли гуруҳ						
Линия 60	-0,534	0,666	0,434	0,672	0,509	0,977
Линия 2 м	-0,741	0,935	0,730	0,777	0,364	0,517
Ўртача	-0,379	0,687	0,468	0,504	0,442	0,439

4-жадвал

Ўртача вазнли пиллалар калибри ва технологик кўрсаткичлар ўртасидаги фенотипик корреляция коэффициентлари (2012-2013 йй.)

Боғланган белгилар	Корреляция коэффициенти (r_p)
Пилла калибри – пилла қобиғи донаторлиги	- 0,989
Пилла калибри – хом ипак чиқиши	- 0,948
Пилла калибри – ипак маҳсулотлари чиқиши	- 0,706
Пилла калибри – пиллалар чувалиши	- 0,971
Пилла калибри – толанинг умумий узунлиги	- 0,970
Пилла калибри – толанинг метрик номери	- 0,990

4-жадвалда келтирилган корреляция коэффициентлари пилла калибри ва технологик белгилар ўртасида аниқ салбий коррелятив боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Жуда юқори салбий боғлиқлик пилла калибри – пилла қобиғи донаторлиги (-0,989) ва пилла калибри – метрик номер (-0,990) белгилари ўртасида намоён бўлди. Пиллалар компактлиги ва етакчи

технологик кўрсаткичлар ўртасидаги аниқланган корреляция коэффициентлари зот ва тизимларнинг энгил саноат учун муҳим бўлган ипак толаси хусусиятларини яхшилашда ўртача вазнли, ўрта ва кичик калибрли пиллаларни насл учун танлаш юқори самара бериши ҳақидаги хулосага асос бўлади.

Компакт пиллалар бўйича танлаш усулини селекция жараёни ва наслчилик ишининг бошланғич ва охириги босқичларида ҳам қўллаш мумкин. Селекция ишининг дастлабки даврида тирик ғумбакли пиллаларни чуватиш ишининг ҳажмини камайтириш учун икки босқичли танлаш ўтказиш мумкин. Пилла қобиғи дондорлиги ва калибри ўртасидаги яқин ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, аввал пиллаларни дондорлиги бўйича визуал танлаб, кейин калибри бўйича аниқ танлаш олиб бориш мумкин.

Ипакчиликнинг ҳозирги даврда ривожланиши натижасида тоза зотларнинг технологик кўрсаткичларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, янги ишлаб чиқилган, яъни пилла дондорлиги ва компактлиги бўйича Гўзал ва Марварид зотларининг суперэлита ва элита босқичларида танлаш ишлари олиб борилди.

Ушбу йўналишда олиб борилган тажрибаларда ипак толасининг хом ипак чиқиши, ипак маҳсулотлари чиқиши, узунлиги ва метрик номери каби технологик кўрсаткичлар аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тажриба вариантыда хом ипак чиқиши қиёсловчига нисбатан Марварид зотида 110,0% (суперэлита) ва Гўзал зотида 117,4% (элита) ни ташкил этди. Пиллалар чувалиши бўйича ҳам икки зотнинг тажриба вариантыда 90,4-90,9% (суперэлита) ва 88,4-89,4% (элита $P_d=0,999$) юқори натижалар олинди. Худди шу кўрсаткичлар қиёсловчи вариантда сезиларли даражада паст – 75,9-89,4% га тенг бўлди. Толанинг умумий узунлиги ва метрик номери бўйича тажриба вариантынинг кўрсаткичлари эса сезиларли даражада юқори - 1325-1566 м ва 3039-3346 м/г ни ташкил этди (қиёсловчи вариантда - 1225-1425 м ва 2898-3039 м/г, $P_d=0,999$).

Элита ва суперэлита босқичида олинган технологик кўрсаткичлар тоза зотларни наслчилик ишида насли пиллаларни дондорлиги ва компактлиги бўйича танлашнинг юқори самарага эга эканини исботлайди.

Диссертациянинг **“Тут ипак қуртининг пиллаларида ингичка ипак толаси хусусиятини кейинги авлодга ўтказиш ва сақлашнинг янги селекция усулини ишлаб чиқиш”** деб номланган бешинчи бобида ингичка ипак толали юксак эркак жинсли капалакларни кўп марта чатиштиришни кейинги авлодга таъсирига оид тадқиқот натижалари ёритилган. Бунинг учун С 8 нг зотининг эркак жинсли пиллалари чуватилиб, технологик кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинди. Таҳлиллар асосида юксак технологик натижаларни, айниқса ингичка ипак хусусияти бўйича рекордчи эркак капалакларни ажратиб олиниб, папильонажда кўп марта фойдаланилди. Тажриба вариантыда эркак капалаклардан кўп марта фойдаланиш ва қиёсловчи вариант натижаларини энг аввал пилла маҳсулдорлиги бўйича баҳоланди. Тажриба натижалари шунини кўрсатдики, юқори технологик кўрсаткичларга эга генотипларни кўп марта чатиштириш, пилла вазнига

салбий таъсир кўрсатмайди (1,96 г ва 1,98 г). Шу билан бирга тажриба вариантнинг авлодида пиллалар ипакчанлиги икки йил давомида 0,75 абс % га ошишига эришилди. 2016 йилги натижаларда тажриба вариантнинг ипакчанлик кўрсаткичи қиёсловчи вариантга нисбатан 1,3 абс % га юқори кўрсаткични намоён этди (Pd=0,999).

Рекордчи эркак капалакларни кўп марта чатиштириш натижасида популяциянинг технологик кўрсаткичларини, хусусан тола ингичкалигини қисқа муддатларда ошириш мумкинлиги исботланди.

Диссертациянинг **“Тут ипак қуртининг юқори технологик белгиларини индуцирловчи мутациялар олишнинг генетик услубиятини ишлаб чиқиш”** деб номланувчи олтинчи бобида ипак қуртининг индуцирланган мутацияларини олишнинг янги усули баён этилган. Зот ва тизимларнинг генофонди кўрсаткичларини шу давргача яратилган танлаш услублари билан бирга янги индуцирланган мутант генотиплар олиш орқали ҳам яхшилаш мумкин. Бундай мутацияларни турли реагентлар, яъни γ-нурлари таъсирида олиш мумкин. Ушбу тажрибаларда урғочи пиллалар учун – 1 кР ва эркак пиллалар учун - 3 кР дозалар танланди. 5-жадвалда олинган F₁ авлоднинг ҳаётчанлик кўрсаткичлари келтирилган.

5-жадвал

Марварид зотининг нурлантирилган ва нурланмаган ота-оналаридан олинган F₁ авлоднинг ҳаётчанлиги (2013 й.)

Варианлар	Тухумлар сони, дона	Тухумнинг ҳаётчанлиги $\bar{X} \pm S_x, \%$	I-ёшда куртлар сони, дона	Куртлар ҳаётчанлиги $\bar{X} \pm S_x, \%$	Фарқнинг ишончилиги (Pd)
Марварид (қиёсловчи)	2142	91,5±0,18	400	88,0±0,91	-
(♀Марварид х ♂Марварид 3 кР) F ₁	2140	84,3±0,51	400	81,5±0,25	0,999
(♀Марварид 1 кР х ♂Марварид) F ₁	2150	62,2±0,58	400	75,5±0,87	0,999

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, танланган гамма нурлари дозаси олинган авлоднинг эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётчанлигига ўта салбий таъсир кўрсатмас экан. Эркак жинсни 3 кР дозада нурлантиришдан олинган F₁ авлодда тухумларнинг ҳаётчанлиги 84,3% бўлган бўлса, урғочи жинсни 1 кР дозада нурлантириш вариантыда эса бу кўрсаткич 62,2% ни ташкил этди. Деярли шунга ўхшаш ҳолат постэмбрионал ҳаётчанлик белгисида ҳам кузатилди: эркак жинсни нурлантириш вариантыда – 81,5% ва урғочи жинсни нурлантириш вариантыда 75,5%. Иккала вариантдаги натижаларга асосланиб, танланган таъсир дозаларини технологик кўрсаткичларни детерминацияловчи мутациялар олишда қўллаш мумкин.

Янги яратилаётган генетик линия популяциясида доминант аллеллар сонини ошириш ҳамда янги доминант мутация бўйича гомозиготалик

даражасини ошириш мақсадида юқори технологик хусусиятларни намоён этган капалаклар ўзаро чатиштирилди ва кейинги авлодлари олинди. F₃ авлод пиллаларини таҳлили натижасида 37 та таҳлил қилинган пиллалар ичидан 33 тасида юқори метрик номер кўрсаткичи аниқланди ва бор йўғи 4 та генотипда паст кўрсаткичлар аниқланди (Pd=0,999). Амалда олинган натижалар назарий кутилган натижаларга тўлиқ мос келиб, янги мутант линия популяциясида толанинг метрик номери (ингичкалиги) ўртача 4000 м/г кўрсаткични ташкил этди.

Ишлаб чиқилган, юқори технологик белгиларни назорат қилувчи доминант мутацияларни индуцирлаш янги усулидан генетик ва селекцион тадқиқотларда кенг фойдаланиш мумкин. Доминант мутация бўйича деярли гомозиготаланган янги генетик линия селекция жараёнига киритилди.

Диссертациянинг **“Тут ипак қурти геномида муайян транслокациялар олишнинг янги услубиятини ишлаб чиқиш”** деб номланган еттинчи бобида тут ипак қурти жинсини тухумнинг цероз қавати ранги бўйича нишонлаш учун янги транслокациялар олишга йўналтирилган тажриба натижалари келтирилган.

Жинси бошқариладиган зотлар ипакчиликни амалий муаммоларидан бири бўлган, яъни тут ипак қурти уруғчилигида корхоналарда 100% дурагай олиш имкониятларини кескин оширади ва ишлаб чиқаришда кенг миқёсида юқори пилла маҳсулдорлик ва ҳаётчанлик хусусиятларига эга эркак жинсли пиллаларни етиштиришга илмий асос бўлади.

Диссертация доирасида 10-аутосомада жойлашган тухум рангини белгиловчи +w₂ генини W урғочи жинсий хромосомага транслокация қилишнинг янги самарали ва қўлланиши нисбатан қулай услубиятини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар амалга оширилди. Бошланғич материал сифатида Гўзал ва Марварид зотларининг пиллалари танлаб олинди.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар 3 та тажриба серияларида олиб борилди. Биринчи тажрибада Марварид зотининг 150 та урғочи ғумбаклари нурлантирилди, иккинчи тажрибада Гўзал ва Марварид зотларининг 300 та урғочи ғумбаклари ва учинчи тажрибада 102 та Гўзал зотининг ғумбаклари нурлантирилди. Ғумбаклар нурлантиришни яхши қабул қилишди ва капалакка айлангандан сўнг улар +w₂ гени бўйича гомозиготали ўзларининг зот ичидаги жуфтлари билан чатиштирилди. Олинган тухумлар жонлантирилганда, ҳаётчанлик нисбатан паст даражада - 40,9% (♀ Марварид 3кР х ♂ Марварид) ва 51,4% (♀ Гузал 3кР х ♂ Гузал) га тенг бўлди. Шунинг учун кейинги авлод тажрибалари учун кўпроқ миқдорда тухумлар олинди ва қуртларни бешинчи ёшгача парваришлаб, фақат урғочи жинслари олиб қолинди. Ушбу урғочи капалаклар w₂ гени бўйича рецессив гомозигота оқ сарғиш тухум қўядиган эркак капалаклар билан чатиштирилди. Улардан биринчи тажрибада 1950 та, иккинчи тажрибада 2538 та ва учинчи тажрибада 1887 та тухум қўймаси олинди.

Визуал таҳлил орқали биринчи тажрибадаги 1931 та, иккинчи тажрибадаги 2515 та ва учинчи тажрибадаги 1866 тухум қўймасидаги тухумлар урғочи жинсли экани аниқлаб олинди. Биринчи тажрибанинг 19 та,

иккинчи тажрибанинг 23 та ва учинчи тажрибанинг 21 та тухум кўймаларидан олинган тухумлар кул ранг ва оқ сарғиш рангларга ажралгани аниқланди. Оқ сарғиш тухумларнинг улуши 2,6% дан 52,7% гача бўлди.

Оқ сарғиш тухумлардан чиқган қуртлар жинсини тахлили фақат 3 та тухум кўймасидан ташқари ҳаммасида эркак ва урғочи жинсли авлод мавжудлигини кўрсатди. Бу учта оилалардаги (№510* биринчи тажрибадан, №24* иккинчи тажрибадан ва №12* учинчи тажрибадан) оқ сарғиш тухумлар эркак жинсли бўлиб, кул ранг тухумларда жинс нисбати 2:1 ни ташкил этди.

№510, №24 ва №12 ноёб оилаларнинг кариотипида 10-аутосоманинг +w₂ генини сақловчи фрагмент W-хромосомага транслокация қилинганига шубҳа йўқ. Юқоридаги олинган натижалар асосида биз томонимиздан яратилган 10-аутосоманинг +w₂ генини сақловчи фрагментни жинсий W-хромосомага транслокация қилишнинг янги самарали ва фойдаланиш қулай бўлган янги усули кўплаб амалий ҳамда назарий муаммоларни нафақат тут ипак қуртида, балки бошқа кўплаб хашоратларда ҳам ҳал қилиш имкониятларини яратади.

Диссертациянинг **“Тут ипак қуртининг янги селекцион тизимлари ва саноат дурагайлари яратиш”** деб номланган саккизинчи бобида тут ипак қуртининг юқори маҳсулдорлик ва технологик хусусиятларга эга янги селекцион тизим ҳамда саноат дурагайлари яратиш, лаборатория синовларини ўтказиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Янги зотнинг генотипида барча яхши хусусиятларни мужассам қилиш учун синтетик селекция усулини қўллаш ва бошланғич материални тўғри танлаш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотларимизда 14 та бошланғич зот ва селекцион тизимлардан фойдаланилди. Улар асосида қуйидаги янги тизимлар олинди: Линия 5 меч (Л-1меч х Л-60), Линия 6 меч (Л-1меч х Л-70), Линия 11 меч (Л-2меч х Л-67), Линия 31 меч (Л-1меч х Л-73), Линия 16 (Л-60 х Гузал), Линия 24 (Марварид х Л-65), Линия 27 (Линия 47 - аналитик селекция), Линия 28 (Линия 67 - аналитик селекция). Янги селекцион тизимларни яратишда аввал яратилган селекция усуллари билан бирга, мазкур диссертация ишида ишлаб чиқилган, технологик кўрсаткичларни пилла қобиғи донадорлиги ва компактлиги бўйича оширишга қаратилган янги танлаш усулларидан фойдаланилди. Жинси бошқариладиган тизимлар №510-транслокация асосида яратилди.

Тут ипак қуртининг ҳосилдорлигини белгилашда пилла маҳсулдорлик белгилари етакчи аҳамиятга эга юқори пилла вазни ва пилла қобиғи вазни, яхши ҳаётчанлик хусусиятлари билан бирга мўл пилла ҳосилдорлигини таъминлайди. Шу сабабли тадқиқотларда янги тизимларнинг пилла ва пилла қобиғи вазни ҳамда ипакчанлик белгиларига алоҳида эътибор қаратилди (6-жадвал).

6-жадвалдаги рақамлар селекцион тизимларнинг анчагина юқори пилла вазнига ва пилла қобиғи вазнига эга эканидан далолат беради - 1,72-2,31 г ва 440-538 мг. Агар натижаларга диққат билан аҳамият берилса, Линия 27 ва Линия 28 тизимларида пилла вазни кўрсаткичи бошқа тизимларга нисбатан унчалик юқори эмас – 1,72-1,76 г, лекин уларнинг ипакчанлиги 25,5-25,7% ни ташкил этди.

Пилла, пилла қобиғи вазни ва ипакчанлик кўрсаткичлари

Селекцион тизимлар	Йиллар	Пилла вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, г	Пилла қобиғи вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг	Ипакчанлик $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %
Жинси нишонланган селекцион тизимлар				
Линия 5 меч	2013-2016	2,16±0,032	518±8,5	24,0±0,19
Линия 6 меч	2013-2016	2,05±0,027	460±3,5	22,4±0,13
Линия 11 меч	2013-2016	1,94±0,020	454±5,2	23,5±0,27
Линия 31 меч	2014-2016	2,19±0,034	525±3,9	24,0±0,24
Оддий селекцион тизимлар				
Линия 16	2013-2016	2,31±0,026	538±3,0	23,4±0,15
Линия 24	2013-2014	2,06±0,027	476±1,9	23,2±0,08
Линия 27	2013-2016	1,72±0,014	440±3,3	25,5±0,16
Линия 28	2013-2016	1,76±0,016	451±3,5	25,7±0,22

